O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIV-KUTUBXONA FONDI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 27-dekabr • Shanba • 153-154 (27.959) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони халқимиз озодлигининг, аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир».

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Тарихимизга «Аср қурилиши» номи билан кирган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли бўйлаб янги-янги иншоотлар қурилиши қизғин давом этмоқда. Яқинда темир йўлнинг «Чақчақ» довони орқали ўтадиган қисмида узунлиги 278 ва 292 метр бўлган иккита замонавий кўприк фойдаланишга топширилди. Деҳқонобод темир йўл шоҳбекатида эса янги ёпиқ спорт саройи ишга тушди.

Суратларда: *янги ишга туширилган темир йўл кўприкларидан бири; Деҳқонобод темир йўл шоҳбекатида ёпиқ спорт саройининг тантанали очилиш маросими .*

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИКНИНГ УЛУҒВОР ЭҲРОМИ

Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига 28 декабрда уч йил тўлади

Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, азим пойтахтимизнинг кундан-кунга янада яшариб-яшнаб бораётгани, бу ердаги яратувчанлик амалларининг суръати ва кўлами кишини ҳайратга солади. Тошкент шаҳрида олиб борилган бунёдкорлик ҳақида гап кетганда, аввало, Мустақиллик майдони кўз олдимизга келади.

Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони пойтахтимизнинг улкан меъморий ансамблига айланди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, айни чоғда мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намоён этсин, деган эди Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг юраги бўлмиш ушбу муаззам майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат — истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу майдон тимсолида ҳам қалбдан ҳис этамиз. Мустақиллик майдонига қадам қўйган ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғулари туғён уради. Жозибадор фавворалар, йилнинг тўрт фаслида ҳам яшнаб турувчи турфа дарахт ва майсалар баҳри дилингизни очади.

2005 йилнинг 28 декабрида Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонида янги қад ростлаган монумент пойига гулчамбар қўйди. Майдонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларида барпо этилган Мустақиллик монументи олдидан фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она сиймоси жой олди.

Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Она сиймоси биз учун азалдан меҳрибонлик, фидойилик, эзгуликнинг ёркин тимсолига айланган. Юртбошимизнинг таклифига биноан, ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — **Мустақиллик ва эзгулик монументи** деб ном берилди.

Умумхалқ байрамлари, тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий тавсифга кирди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ва бошқа меҳмонлар Монумент пойига гулчамбар қўйиши ҳам анъана тусини олди.

Ҳа, Истиқлолимиз — Буюк китобимизнинг илк саҳифаси — Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳурриятдан, эзгуликдан сўйлайди, хайрли амалларнинг рамзи янглиғ одамларни мудом яхшиликка чорлайди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ, ЎзА шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ АСОС МАВЖУД

Юртимизда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Хуэй бошчилигидаги делегация вакиллари меҳмон бўлди.

Хитойлик дипломат Ўзбекистон ва ХХР Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги босқичида иштирок этди. Ташриф дастури учрашувларга бой бўлганига қарамай, ХХР делегацияси раҳбари «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлди.

— Икки томонлама ҳамкорлигимиз тўғрисида гап кетганда, аввало, Хитой билан Ўзбекистон дўст мамлакатлар эканини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади, — деди Ли Хуэй. — Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан сўнг алоқаларимиз янгича суръатда ривожлана бошлади. Ўзаро ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асосини мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги ниҳоятда самимий ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар ташкил этиб, улар алоқаларимиз кўламини ҳар томонлама кенгайтиришга кучли туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Хитойга бир неча бор ташриф буюрган, ўз навбатида ХХР Раиси Ху Цзиньтао ҳам Ўзбекистонда ташриф билан бўлган.

Ҳамкорлигимизнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро тушуниш, қизиқиш ва ишонч ҳислари мавжуд. Биз бир-биримизни ҳозирги кунниг кўплаб долзарб масалалари юзасидан қўллаб-қувватлаймиз. Жумладан, мамлакатларимиз айни пайтда ниҳоятда долзарб тус олаётган миллий хавфсизлик, ҳудудий яхлитлик ва суверенитетни таъминлаш масалалари борасида ўхшаш қарашларга эга.

Хитой Ўзбекистон томонидан танланган мустақил тараққиёт йўлини доимо қўллаб-қувватлаган ва юқори баҳолаган. Биз Ўзбекистоннинг бу ёндашувини ҳурмат қиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Ўз навбатида, Ўзбекистон Хитой учун, айниқса муҳим аҳамият касб этувчи Тайвань ва Тибет масалалари борасида бизни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Айни пайтда биз нафақат сиёсий, балки иқтисодий, савдо, тадбиркорлик, маданият, гуманитар алоқалар, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларимиз ривожланаётганини мамнуният билан кузатмоқдамиз. Халқларимиз бир-бирига нисбатан дўстона муносабатда бўлиб, ўзаро ишонч руҳидаги алоқалар кўламини кенгайтириш ва янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бу, фикримизча, кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг энг яхши асосидир.

Суҳбатимиз Янги йил байрами арафасида бўлиб ўтаётган экан, 2008 йилда эришган натижаларимиз ва келгуси йилга белгиланган режаларимиз хусусида икки оғиз айтиб ўтмоқчи эдим.

2-бет

✓ Бошланғич партия ташкилотларида

ФАРОВОНЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Гулистонлик Абдуқодировлар бутун оиласи билан Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлган. Шаҳар партия кенгаши раиси Воҳиджон Ҳасанов шуни айтганида, очиғи, ҳайрон қолдим.

— Бугун оила бекаси Шарифа Абдуқодировага ҳам аъзолик гувоҳномаси топширамиз. Истасангиз, юринг, уларнинг қувончига шерик бўлинг, — деди Воҳиджон.

Биз «Сирдарёмукаммалтаъмирлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятга йўл олдик. Бу корхона Абдуқодировлар оиласига қарашли бўлиб, Шарифа опа унинг раҳбари.

Жамоа иш билан банд. Буюртма кўп, шанба, баъзан якшанба кунлари ҳам ишламасак, улгуришимиз қийин, дейишади.

— Умр йўлдошим, икки фарзандим аъзо бўлган партиянинг фаолияти билан қизиқиб, унинг Устави ва Дастури билан танишдим, — дейди Шарифа опа. — Биласизми, менга нимаси ёқди? Партия фаолиятининг асосий йўналишини кишиларимизнинг ижтимоий муҳофазаси, айниқса, ишсизликка барҳам бериш каби масалалар ташкил этади. Бу эзгу мақсад қанчалик муҳим экани ҳаммамизга яхши маълум.

2-бет

✓ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ПАРЛАМЕНТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

сиёсий партия ўз электорати манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиши учун асосий воситадир

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди, демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳамда жамиятни бошқаришда иштирок этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган. Ана шу асосда мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Айтиш керакки, парламентаризм сиёсий партия фаолиятининг энг асосий йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда бу соҳага эътибор ортмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий қонун ҳам айнан сиёсий партияларнинг парламентчилик фаолиятини кучайтиришга қаратилди. Яратилган янги ҳуқуқий имкониятлардан асосий мақсад — барча даражадаги депутатлар, сиёсий партиялар депутатлик бирлашмаларининг фаолиятини жонлантириш, ташаббускорлигини оширишдан иборат.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги сиёсий семинарнинг навбатдаги машғулоти ҳам ана шу масалаларга бағишланди. Давра суҳбати тарзида ўтган машғулотда **«Ўзбекистон ХДПнинг парламентчилик фаолияти: амалиёт, тажриба, муаммо ва вазифалар»** мавзуи муҳокама қилинди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия Марказий Кенгаши экспертлари, масъул ходимлари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари, туман, шаҳар, вилоят партия кенгашлари раислари, фаоллар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева ушбу мавзунинг партиямиз учун ўта муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси парламент типидаги сиёсий партиядир. Сиёсий куч сифатида у ўз Дастурида белгиланган вазифаларни қонунчилик, яъни парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлик бирлашмалари орқали амалга оширади. Ўз электорати манфаатларини шу йўл билан ҳимоя қилмоқда. Бугунги кунда партиянинг халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларида 2326, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида 305, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 28 нафар депутати фаолият кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов партия фракцияси томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида сўзлаб берди. Фракция аъзолари қатор қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этдилар. Парламент қуйи палатасида кўриб чиқилаётган масалалар муҳокамалари чоғида партия позициясини қатъият билан ҳимоя қилдилар.

2-бет

✓ Тадбир

Ногирон, ота-онаси, қаровчиси бўлмаган болалар давлатимиз ғамхўрлиги ва эътиборидадир. Бу борада кўплаб тадбирлар амалга оширилляпти. Ёлғиз ва ота-онасисиз қолган болалар билан ишлашда уларни фарзандликка ва оила тарбиясига олиш муҳим вазифалардан бирига айланди.

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН!..

Куни кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман «Истиқлол йилларида Меҳрибонлик уйлари ва имконияти чекланган болалар махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига яратилаётган шароитлар» мавзуига бағишланди.

Анжуманда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари сони йилдан-йилга камаяётгани, уларга кўрсатилаётган педагогик, тиббий, ижтимоий ва психологик хизматлар, яратилаётган шароитлар ҳақида фикр билдирилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча Меҳрибонлик уйларидаги муҳит оила шароитига яқинлаштирилган. Ана шу масала юзасидан халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов қуйидагиларни маълум қилди:

6-бет

БУГУНГИ СОНДА:

Қонун ва шарҳ

• НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ — 2

• НАВОИЙ: ЭИИЗ – ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ – ИҚТИСОДИЙ ЗОНА
тараққиётда шахдам ва ишончли қадам — 3

• КЎРМАЙИН БОСМА ТИКАННИ...
ёки одам савдосининг оқибатлари ва унинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида — 5

Ўтаётган йил ўйлари
• УМР – БУ ВАҚТ! — 6

Абдулла ТАНГРИЕВ —
• ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИСИ — 8

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ПАРЛАМЕНТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

сиёсий партия ўз электорати манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиши учун асосий воситадир

Айниқса, ижтимоий йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. «Ипотека тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида» (янги таҳрири), «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқилганда депутатлар партия электорати манфаатларини кўзлаб кўплаб таклифларни илгари сурдилар.

Ўзбекистон ХДП фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 25 декабрь куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги ҳукумат вакиллари қишки мавсумда аҳолини сифатли коммунал хизматлар билан таъминлаш борасида ахборот бердилар. Шунингдек, улар депутатларга сайловчилардан тушган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди, дейилди сўхбатда. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ўрганилди ва вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритилди. Хоразм вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи Президентимизнинг «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганини ўрганиб, бу масалани вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига киритди. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органи ушбу масалани кўриб чиқди ва тегишли чора-тадирлар кўрилди. Бундай мисолларни бошқа вилоятлар, туманлардаги депутатлик гуруҳларимиз фаолиятидан ҳам келтириш мумкин.

Аммо бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар ҳали жуда кўп. Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов бу ҳақда батафсил тўхталди. Аксарият туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз юқоридаги каби ташаббуслар билан чиқмаяпти. Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Навоий ва Тошкент вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимиз депутатлар фаолиятидаги сусткашликни тўғри танқид қилгани таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатимиз раҳбари томонидан бу борада қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Анвар Боймуродов, Фахриддин Ражабов, Анвар Шукуров, партия Марказий Кенгаши эксперти Руфат Раззоқов, Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев, Учтепа туман партия кенгаши раиси Маҳмуд Ёқубов ва бошқалар партиянинг парламентчилик фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларини жонлантириш воситалари хусусида таклифлар киритишди. Давра суҳбати қизғин мулоқот, фикр алмашув, савол-жавоблар асосида ўтди.

Ушбу мавзу Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман, шаҳар кенгашлари сиёсий семинарларида ҳам ўрганилади.

Беҳзод ШУКУРОВ
Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Қонун ва шарҳ

НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг бош мақсади Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратишга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 15-ялпи мажлисида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қатор қонунлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал Кодексига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун маъқулланди. Ушбу қонун 2008 йил 29 сентябрда эълон қилинди ва кучга кирди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда хўжалик судларининг роли ва таъсирчанлиги тобора ортмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими яратилаётганлиги кенг кўламда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давомидир. Хўжалик судида иш юритишнинг ҳар бир босқичида, шу жумладан, назорат босқичида, мукаммал процессуал тартиб ва муддатларнинг белгиланиши хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Суд-ҳуқуқий ҳимоя тадбиркорлик субъекти учун қулай бўлган ҳолда хўжалик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда таъминланиши лозим. Тадбиркорлик субъектларига тегишли имтиёз ва кафолатлар яратиш баробарида уларни судда ҳимоя усулларининг татбиқ этилаётганлиги қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Аввало шуни таъкидлаш керакки, хўжалик судларининг асосий фаолияти иқтисодий муносабатларда қонунчиликни мустаҳкамлаш, юзага келаётган низоларни адолатли ҳал этиш билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда йўл қўйилаётган қонунбузилишларнинг олдини олишдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари ўртасида юзага келаётган иқтисодий низоларни ҳал қилишнинг оқилона ечимларини излаб топиш ҳамда уни амалда татбиқ қилиш, ушбу жараёнда ҳар бир субъектнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифадир.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал Кодексига яқинда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосан юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хўжалик процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг суд йўли билан ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқларини янада самаралироқ таъминлашдан иборатдир. Мутахассисларнинг фикрича, Хўжалик процессуал Кодексининг «Назорат тартибида иш юритиш» деб номланган 23-бобида ишда иштирок этувчи шахслар томонидан назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза бериш тартиби етарли даражада аниқ белгиланмаганлиги сабабли процесс иштирокчиларига ўз ҳуқуқларини амалга оширишда муайян даражада қийинчиликлар туғдираётган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал Кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимча асосида Кодекс «Назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза» деб номланган 192-1-модда билан тўлдирилди. Ушбу модда ишда иштирок этувчи шахслар назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризани ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларга беришга ҳақли эканликларини назарда тутади. Қайд этилган моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан протест келтиришга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно. Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза мазмунан ушбу Кодекс 177-моддасининг биринчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши лозимлиги ҳамда аризага судниг ҳал қилув қарори нусхаси, агар иш апелляция, кассация тартибида ҳам кўриб чиқилган бўлса, апелляция, кассация инстанцияси судларининг қарорлари нусхалари ҳам илова қилинишлиги кўрсатилган. Ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига риоя қилинмаган тақдирда, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза қайтарилади. Бундан ташқари, шундай ариза суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган бўлса, бундай аризаларнинг кўриб чиқилмаслиги қонунан мустаҳкамланди. Бинобарин, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак. Протест келтириш учун асослар бўлмаганда, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим.

Бундан ташқари, Хўжалик процессуал кодексининг 197-моддаси янги таҳрирда баён этиб берилди. Унга асосан протест келтириш учун асослар мавжуд бўлганда ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахс протест келтиради ва уни иш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсатига юборади. Протестнинг мазмуни ушбу Кодекс 177-моддасининг биринчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади. Протест келтирган мансабдор шахс уни протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунига қадар ўзгартириш, тўлдириш ёки чақириб олишга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар протест тўлдирилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки чақириб олинганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал Кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар уни такомиллаштириш борасида эришилган муҳим ютуқдир. Қолаверса, назорат тартибида иш юритишнинг процессуал шакллари ифода этилиши хўжалик судлари ҳимоя тизимини мустаҳкамлашнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳи раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

ФАРОВОНЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Шу соҳадаги ишларни фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида жамиятимизда бошланғич партия ташкилотини туздик. Унинг атрофида бугун ўн нафардан ортиқ аъзо бирлашган. Мен ҳам улар сафига қўшилаётганимдан хурсандман. Нимага десангиз, партиямиз бир эзгу ният йўлида одамларнинг бошини бириктирмоқда, уларнинг кучини яхшиликка сафарбар этмоқда.

Дарҳақиқат, Абдуқодировлар оиласи бугунги турмуш даражасига етгунча не-не синовларни бошдан кечирмади. Шарифа опа 1980 йил Москвадаги муҳандислик-қурилиш институтини тугатиб, Гулистон шаҳридаги «Қурилиштаъмирлойиҳа» институти филиалида иш бошлади. Бу ерда у бахтини топди. Толибжон ака билан турмуш қурди, фарзандлари дунёга келди. Ўшанда лойиҳачи муҳандисларнинг иш ҳақи камлигидан эр-хотин таътил кунлари дам олиш ўрнига қўшимча иш қилиб, оила бюджетини тўлдириш учун елиб-югурарди. Мустақиллик шарофати билан лойиҳачи муҳандислар оиласи ўз салоҳиятларидан тўла фойдаланиш, ўз ишини ташкил этиш имконига эга бўлди. Эр-хотин бамаслаҳат хусусий лойиҳа корхонаси очди. Кўпчилик бундай корхонанинг келажагига ишончсизлик билан қараган эди. Бироқ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Толибжон ака билан Шарифа опанинг аниқ мақсади, пухта ўйланган режалари бор эди. Уни рўёбга чиқариш учун, керак бўлса, кечалари уйқу билишмади. Тинчидан, ҳаловатидан кечишди. Заҳматлар бекўда кетмади. Қаранг, ҳам оила фаровонлиги таъминланди, ҳам янги иш ўринлари яратилди.

Мана, қийинчиликлар ортда қолиб, эндиликда 14 нафар ходим доимий иш билан таъминланган. Бундан ташқари, 4 нафар лойиҳачи муҳандис корхона билан шартнома асосида ишлайди. Янги йилдан бошлаб яна 10 нафар мутахассис билан шартнома асосида ишлаш юзасидан битим тузилган.

— Иш ҳам, буюртма ҳам кўп, — дейди Шарифа опа бизни корхона фаолияти билан таништира туриб. — Гап ишни қиёмига етказиб, замон талаблари асосида, малакали бажаришда. Хусусий турар-жойларни қўйиб турайлик, вилоятимизда ҳар йили ўнлаб ўқув юртлари, мактаб, боғча, шифохона, спорт иншоотлари барпо этилаяпти, борлари замон талаблари асосида реконструкция қилинаяпти...

Иш ҳақиқатан кўп. Бироқ бугунги буюртмачи лойиҳа учун ҳар кимга ҳам мурожаат қилавермайди. Шарифа Амировна раҳбарлик қилаётган лойиҳачилар жамоаси кам чиқим эвазига замонавий ва халқчил лойиҳалар яратиб ҳурмат-эътибор қозонди, кундан-кунга мижозлар доирасини кенгайтираяпти. Жамоа томонидан амалга оширилган кўпгина лойиҳалар бетакрор меъморий ечими, миллий жозибаси ва бинокорликнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланилгани билан аҳралиб туради. Гулистон шаҳри ҳуснига ҳусн қўшиб турган «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахта банк» вилоят филиаллари, «Оқ олтиндон» маъмурий бинолари, «Қувонч» мактаб-лицей мажмуаси, Янгиер футбол мактаби ва бошқа ўнлаб иншоотларни бунга мисол қилиш мумкин.

— Биласизми, биз бу ҳаётнинг аччик-чучугини татиб кўрдик, — дейди бошланғич партия ташкилоти раиси Толибжон ака. — Тирикчилик, иш, турмуш ташвишлари билан бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан анча узилиб қолган эдик. Фарзандларимиз меҳнат фаолиятини ижтимоий фаоллик билан узвий олиб боришини истардим. Жамият ҳаётидан узилган одам тўлақонли ҳаёт кечириши, ўзгаларга фойдаси тегиши қийин. Шунинг учун ҳам болаларимизнинг партия сафида бўлиши муҳим, бу уларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий онги ўсишида катта аҳамиятга эга. Бу инсонни чиниқтиради. Мен ўз ҳаётимда синаб кўрган ҳақиқатни айтаяпман.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ АСОС МАВЖУД

Фикримизча, ўтаётган йилдаги энг диққатга сазовор натижа — мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар янада ривожлангани бўлди. Президент Ислом Каримов Пекинда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этгани бу фикрнинг яққол далили бўла олади. Ташриф давомида Ўзбекистон Президентининг Хитой Раиси Ху Цзиньтао билан алоҳида учрашуви бўлиб ўтди ва унда мамлакатларимиз раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва халқаро сиёсатга алоқадор бўлган долзарб масалаларни муҳокама қилибгина қолмай, балки икки давлат муносабатларини турли соҳаларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳам белгилаб беришди.

Ўтаётган йилдаги яна бир муҳим ютуғимиз — мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми 50 фоизга ошганидир. Ўйлашимизча, агар ҳамкорлигимиз ана шундай суръатда ривожланаверса, раҳбарларимизнинг Пекин учрашуви чоғида қўйилган вазифани, яъни 2010 йилга қадар икки томонлама савдо айланмаси ҳажмини бир ярим миллиард долларга етказишни муддатидан олдин бажарамиз.

Айни пайтда биз Хитойнинг етакчи фирма ва компаниялари билан кенг қамровли иш олиб бормоқдамиз. Бундан мақсад — Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш.

Ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишларидан яна бири — бу туризм соҳасидаги алоқалар кўламини кенгайтириш. Ўйлашимизча, Ўзбекистон хитойлик сайёҳлар орасида анчайин оммабоп масканга айланиши мумкин бўлиб, биз ўзбекистонлик ҳамкорлар билан бу борадаги муносабатларни ривожлантиришга тайёрмиз.

Келажакдаги режалар хусусида гапириб, ҳамкорлигимиз истиқболлари ёркин эканини мамнуният билан қайд этиш жоиз. Зеро, бунинг учун бизда мустаҳкам асос яратилган. Мамлакатларимиз раҳбарлари ва халқлари ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва қизиқиш — келажакка ёркин умидлар билан боқиш учун асос бўла олади.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2009 йил билан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилаб қоламан!

Бобур СОБИРОВ
ёзиб олди.
«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда)

«VERSAL-N» МЕҲМОНХОНАСИ

Наманган шаҳрида «Versal-N» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Наманган вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур замонавий иншоотнинг ишга туширилиши мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ва хориждан келадиган меҳмонларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш имконини беради.

Кенг, ёруғ, барча қулайликларга эга бўлган хоналар сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, бино ичида бир қатор хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам ишлаб турибди.

Янги меҳмонхона очилиши натижасида ўттиз киши доимий иш билан таъминланди.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

❖ Тиббиёт масканларида

Суратларда: *марказ фаолиятидан лавҳалар.*
Ҳусан ТЎҒИЗОВ
олган суратлар

ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалига 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида замонавий тиббий ускуналар келтирилди. Жиҳозлар Ислом тараққиёт банкининг имтиёзли кредити асосида харид қилинди.

— Мамлакатимизда 2007 йилдан буён жорий этиб келинаётган ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад — муассасаларимизни замонавий ускуналар билан жиҳозлашдан иборат, — дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали директори Жамшид Ахтамов. — Ускуналар Германия, Япония, Италия сингари ривожланган давлатларнинг нуфузли компанияларида ишлаб чиқарилган. Марказимиз 370 ўринга мўлжалланган. Бир ярим минг нафарга яқин шифокор ва ҳамшира беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келади.

Марказда, шунингдек, биокимёвий лаборатория ускунаси ҳам ўрнатилган бўлиб, авваллари 1-2 кунда тайёр бўладиган ташхис натижалари энди кўпи билан бир соат ичида олинади. Ошқозон-ичак хасталикларининг кўп турлари жарроҳлик операцияларисиз даволанади. Айни пайтда марказда болалар ва катталарга мўлжалланган 7 та компьютер эндоскопия ускунаси билан организмдаги умумий ўт йўллари тошларини жарроҳлик операциясисиз даволаш амалиёти бажарилянти.

2009 йилда Ислом тараққиёт банки кредит маблағи эвазига марказга яна 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида тиббий ускуналар келтирилиши режалаштирилган.

Абдували ХУДОЁРОВ



✓ Бугун ва келажак

«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона (кейинги ўринларда — ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» (2008 йил, 2 декабрь)ги Фармонидан.

НАВОИЙ: ЭИИЗ – ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ – ИҚТИСОДИЙ ЗОНА

тараққиётда шахдам ва ишончли қадам

Асосий йўналиши: *зона ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар — замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника-технологик линиялар, модуллар ҳамда инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига самарали технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг кўлам беради.*

МАҚСАД: *Жаҳон андозаларига жавоб берадиган ва дунё бозорида эҳтиёжталаб маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароит яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш...*

●●●

Мамлакатимиз раҳбарининг Навоий вилоятида ЭИИЗ — эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш ҳақидаги фармони кенг жамоатчилик томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди. Мутахассислар уни Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодиёти ривожи йўлида қўйилган навбатдаги муҳим қадам, деб баҳолашмоқда.

Дарвоқе, бугунги кунда республикамизда модернизация қилинган, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган завод ва фабрикаларда, янгидан тикланган замонавий қўшма корхоналарда ўта харидоргир, рақобатбардош, чинакам экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани аслида инвестиция (сармоя)лар шарофати экани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис давлатимиз раҳбари мамлакатимизда эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

«Навоий вилояти деганда, аввало кўз олдимизга буюк шоиримиз Алишер Навоий номини шарафлаб келаётган, кўнгли очиқ, заҳматкаш, саховатли инсонлар, бунёдкорлик билан банд бўлган кўп миллатли халқни ўзимга тасаввур қиламан, — дейди Президент Ислом Каримов. — **Навоий вилояти деганда — бу гўзал воҳанинг бетакрор табиати, чексиз чўл ва далалар, бепоён яйловлар билан бирга, улкан саноат минтақаси кўз ўнгимизда намоён бўлади...»**

Ана шу улкан саноат минтақасида бугун 20 дан зиёд йирик-йирик саноат корхоналари фаолият юритмоқда. Бу — жуда катта салоҳият! Боз устига, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 54 давлатига экспорт қилинмоқда. Минерал ўғит, аммиак ва нитрон сунъий толаси ишлаб чиқарувчи «Навоийазот»ни оласизми, ўсимликлар дунёсига дори-дармонлар етказиб берувчи электрохимия заводини оласизми, дунёга олтини билан танилган Навоий кон-металлургия комбинати ёки электр энергияси «ўчоғи» — Навоий ГРЭСини оласизми, «Қизилқумцемент», машинасозлик заводи, пахта тозалаш корхоналари, ёки бўлмаса, нон маҳсулотлари-комбинати, паррандачилик фабрикасини оласизми, ҳаммаси куч-қудратга эга қувватлар!

Сўнгги йилларда Юртбошимизнинг узоқни ўйлаб бошлаган ташаббуси шарофати билан шаҳар аэропортини реконструкция қилиш ва модернизациялаш ишлари авж олди. Қисқа вақт ичида 4 километрдан кўпроқ учиш-қўниш йўлаги бунёд этилди. Ундаги ҳаракатларни бошқарув тизимлари замонавийлаштирилди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам турли русумда ва турлича оғирликдаги ҳаво лайнерларини қабул қилиш — қўндириш ва учириш имконлари яратилди. Уларга энг юқори сифатли техник ва сервис хизмати кўрсатиш шарт-шароити вужудга келтирилди. Зеро, бундай имконият ва шарт-шароит учун Бухородан 100 километрча шимоли-шарқда, Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида, денгиз сатҳидан 374 метр баландликда (бир томони — Самарқанд, бир томони Қашқадарё вилоятлари, шимолий қисми асрий Қизилқум — мамлакат ўрталиги!) жуда қулай географик ўрин танланди. Жумладан, ҳозирча фаолият кўрсатиш муддати 30 йилга мўлжалланган (кейинчалик яна узайтирилиши мумкин!) ЭИИЗ учун ҳам шу жой муносиб кўрилди.

ЭИИЗ ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар келгусида замонавий хорижий техника ва асбоб-ускуналар, технологик линиялар ҳамда модуллар асосида иш олиб боради. Инновация технологияларини жорий этиш эвазига жаҳон бозори рақобатига чидамли маҳсулотларни кенг қамровда ишлаб чиқаришдек дунёвий йўналишда фаолият кўрсатади. Уларга имтиёзли тартибда алоҳида божхона, алоҳида валюта ва алоҳида солиқ тартиби жорий қилинади. Юзлаб ўринли «Буюк Ипак йўли» меҳмонхонаси хизмати муҳайё этилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг ЭИИЗ ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва ундан чиқиб кетиш жараёнлари учун рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартиби белгилаб қўйилади. Зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш механизми тегишли равишда давлат органлари вакилларидан иборат Маъмурий Кенгаш ҳамда ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий Кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида барча ҳудуд унга фойдаланиш ва бошқариш учун берилади. Дирекция хўжалик юритувчи субъектларга ҳудуддаги ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. Ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

Фармонда зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга бир қатор имтиёзлар бериш ҳам белгиланган. Жумладан, киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда, улар ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), республика Йўл ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига мажбурий тўловлардан озод этилади:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача — 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача — 10 йилга (кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади);

30 миллион евродан зиёд бўлганда — 15 йилга (кейинги 10 йил мобайнида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади).

ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ҳудудда фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирадиган йиғинлардан ташқари) озод қилинади. Улар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, бегиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида ундирилади. Тўловларни тўлаш муддати эса 180 кунгача узайтирилиши мумкин. Мабодо, ушбу имтиёзлардан фойдаланилган ҳолда, ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилганда ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Айни чоғда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга ўзаро тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ҳамда тўловларни тегишли ҳудудда хорижий валютада амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш; экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланишларига рухсат берилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ҳудудда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлари татбиқ этилмайди (акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно).

Фармонда, шунингдек, 2010 йил 1 январгача бўлган муддатда эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Бош режаси ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланиши белгилаб қўйилган.

●●●

Янги — 2009 йил бўсағасида катта мақсадлар, олижаноб ниятлар билан бошланган улуғвор ишларимиздан бири — «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилиши мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти тараққиётида шаксиз ғоят-бағоят муҳим ўрин тутади.

Президентимиз ўн кунча олдин Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ва Навоий шаҳри аҳолисига комбинат ва шаҳарнинг 50 йиллиги муносабати билан йўллаган табригида таъкидлаганидек, **«Айнан Навоий вилоятида мамлакатимизда биринчи бўлиб, эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технология кувватларининг кенг тармоғини яратиш бўйича яқинда қабул қилинган қарор замирида ҳам аввало бу минтақанинг беқиёс имкониятлари, унинг ҳудудий ўрни, улкан меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳияти мужассамдир».**

Мухтасар айтганда, ЭИИЗ келгусида нафақат Навоий вилоятининг, балки бутун Ўзбекистоннинг дунё миқёсида иқтисодий куч-қудрати янада ошишида, юртимиз обод ва кўркам бўлишида, халқимизнинг турмуш тарзи тобора фаровонлашувида шаҳдам ва ишончли қадам бўлади!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

«Наманганмаш» очиқ акциядорлик жамиятида нефть, газ, энергетика соҳалари учун қирқдан зиёд турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Уларнинг 80-90 фоизи маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада ишлар аниқ режа ва тартибда юритилаётганлиги туфайли кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 114 фоизни ташкил этди. Тайёрланаётган маҳсулотлар халқаро ярмаркаларда ҳам соҳа мутахассислари ва харидорлар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Суратларда: *ишчи Акмалхон Дадахонов; (чапдан) токарь Наил Кашаев, цех бошлиғи Воҳиджон Каримов ва ишчи Мухторжон Саримсоқов.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

УРГАНЧ ТУРИЗМ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Халқимизни, шу жумладан,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази
ходимларини ҳамда барча
ўқитувчи-мураббийларни кириб келаётган

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

билан самимий табриклайди!

Янги йил Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга эса файз-барака олиб келсин!

ҚОЗОҚДАРЁ УСТИДА...

Янги йил байрами арафасида Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ тумани Қозоқдарё овулини Чимбой тумани билан боғловчи йўлнинг икки километри тубдан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Қозоқдарё канали устида янги кўприк барпо этилди.

— Бу бизни беҳад қувонтирди, — дейди овулда истиқомат қилувчи Абат Идрисов. — Янги йўл ва кўприк овулдошларимизнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилди. Замонавий меъморчилик анъаналари асосида қурилган кўприк Янги йил байрамига муносиб совға бўлди.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.

❖ Солиқ ва ҳаёт

ТЕКШИРИШЛАР ТАРТИБГА ТУШДИ

бу эса жойларда иқтисодий ислоҳотлар самарасини оширмоқда

— Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш имконини яратди, — дейди Жиззах шаҳридаги «Камол» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Акром Раҳмонқулов. — Фармонга кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига бўлар-бўлмасга аралашиш, белгиланган тартибдан ташқари ҳолатда текширишлар ўтказиш тақиқлаб қўйилганки, буни, жуда катта қулайлик деб англамоқ зарур...

Фирма раҳбарининг сўзларини ўтган тўққиз ойлик сарҳисоблар ҳам тасдиқлаб турибди. Шу муддат ичида вилоят назорат органлари томонидан жами 491 та, шу жумладан, солиқ органлари томонидан 464 та хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказилди ва бу масалада бирорта ҳам ноқонуний ҳолат қайд этилмади.

— Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишлар қатъий тартибга олинган, — дейди назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссияси котиби Ширинбой Сулхонов. — Тўғри, текширишлар оралиғида хўжалик юритувчи субъект кўпол хато-камчилик содир этса, республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига мурожаат қилиш ва уларнинг рухсати билан қўшимча текшириш ўтказиш мумкин.

Вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, субъектларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 72,3 фоизни ташкил этган ва бу ўтган йилнинг шу давридагидан анча кўпдир. Шу билан бирга, тўққиз ойда жойларда 21 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ислоҳотлар самараси бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш қатъий тартибга солингани муҳим аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Гулчеҳра УРДУШЕВА, Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати ходими.

«UZBEK HENAN INDUSTRY»

ғишт ишлаб чиқаришда замонавий хизмат кўрсатиш даражасини ҳам шакллантирди

Самарқанднинг Пастдарғом тумани, Чимбойобод қишлоғида жойлашган «UZBEK HENAN INDUSTRY» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг асосий фаолияти — ғишт ишлаб чиқариш.

Корхона ижрочи директори Бахтиёр Элмуродов шундай ҳикоя қилади:

— Қўшма корхона ташкил этиш учун бир неча бор Хитойга боришимизга, ҳамкорларга истиқболли бизнес режаларимизни ётиғи билан тушунтиришга ҳамда у ердан мутахассисларни олиб келиб, ғишт ишлаб чиқариладиган жойнинг барча ҳолатларини обдон кўрсатишга тўғри келди. Ўз навбатида улар ҳам маркетинг, бозор ва мамлакатимизда ғишт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни пухта ўрганиб чиқишди. 2007 йил корхона цехларини қуришга киришдик.

Кўпчилик нега корхона вилоятимизнинг бошқа ҳудудида эмас, айнан Чимбойободда ташкил этилди, деб ўйлашаётган бўлса, ажабмас. Гап шундаки, Қорадарёга туташ, аммо ундан 100 метр баландликда жойлашган мана шу қишлоқ тупроғи 80-йилларнинг бошидаёқ геологлар ва ер илми муҳандислари томонидан пишиқ ғишт тайёрлаш учун мос эканлиги аниқланган. Лекин шўро даврида негадир бу ерда корхона қурилишига хайрихоҳлик билдирилмаган. Мустақиллик йилларида эса мутахассислар тупроқ таркибидаги моддаларни яна бир бор чуқур ўрганиб, ундан сифатли ва мустаҳкам ғишт ишлаб чиқариш мумкинлигини эътироф этишди.

Ниҳоят, Президентимизнинг «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини жадаллаштириш тўғрисида»ги (2005 йил, 24 март) Фармони эълон қилингач, муаммо ечими топилди. Завод шу ерда қад ростлади. Бунинг учун хитойлик ҳамкорлар 280 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий ускуна келтириб ўрнатди. У ҳар сменада (8 соатда) 80 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу технологияни бошқариш ва ишлатиш учун ишчиларимиз Хитойда уч ой давомида ўқиб келишди.

Мизроб Сатторов, завод директори:

— Ишлатилаётган тупроқда гилмиённинг бир тури мавжуд бўлиб, у ўта ёпишқоқ. Бу — ғишт сифатини таъминлашда асосий омил. Аммо уни меъёрига етказиб пиширириш учун тажриба, кўникма ва меҳнат қилиш керак бўлади. Тупроқни аввал тегирмонда (саралаб) элаб оляпмиз. Таркибига 5 фоиз миқдорида кўмир кукини қўшамиз. Кейин лой юқори босимли вакуум орқали кучли сиқилади ва айланма печга солиниб, 950 — 1000 даражадаги иссиқликда пиширилади. Тайёр бўлган ғиштларни совутилиш технологияси ҳам эътиборимизда. Ҳозиргача 1 миллион дона ғишт ишлаб чиқардик. Улар нафақат туманимизда, балки вилоятимизнинг қатор ҳудудларида қад ростлаётган биноларга кўрк бағишламоқда...

Мижозларимиз кўп: Самарқанд туманидаги «Лоса-континект плюс» ва Самарқанд шаҳридаги «Мега лосса строй» масъулияти чекланган жамиятлар, Каттақўрғон шаҳридаги «Эверест элита сервис» ва Нуробод туманидаги «Абдусалом» хусусий корхоналари...

Комил ҲАКИМОВ, Каттақўрғон туманидаги «Ҳаракат-аср» қурилиш корхонаси бошлиғи:

— Чимбойобод ғиштлари давлат стандартлари даражасида, ҳам арзон. Донаси атиги 125 сўм. Сервис хизматлари ҳам яхши йўлга қўйилган.

Корхонадан шу пайтгача биз 160 минг дона пишиқ ғишт олдик. Улардан туманимиздаги 68-мактаб биноси ва унинг ёнидан спорт зали қурдик. Яна 250 минг дона ғиштга буюртма берганмиз...

Саид Эргашев, корхона ишчиси:

— Пайарикдан келиб ишлаяпман. Замонавий ускуналарда маҳсулот ишлаб чиқариш сирларини тўла ўрганиб олдим. Ҳар 15 кунда маош олиб турибмиз. Илғор ишчиларимизнинг ўн беш кунлик маошларининг ўзи 240 минг сўм. Барча қулайликларга эга ётоқхонамиз бор. Уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланганмиз. Уйидан қатнаб ишлайдиганларга алоҳида автобус ажратилган.

✧✧✧

Бир сўз билан айтганда, «UZBEK HENAN INDUSTRY» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари маҳсулот салмоғи ва сифатини янада оширишга, аҳоли ва корхона жамоаларининг ғиштга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжларини қондиришга, пировардида, юрт ободончилигига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлашган.

Акрам ҲАЙДАРОВ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОНУН МАЖМУАЛАРИ

Россия Президенти Дмитрий Медведев Федерал хавфсизлик хизмати директори Александр Бортников билан бўлган учрашувда коррупцияга қарши курашга қаратилган қонунлар мажмуаси (пакети)га имзо чекканлигини билдирди («Интерфакс»).

Президентнинг таъкидлашича, коррупцияга қарши кураш борасида ҳукумат ва Кенгаш доирасидаги ҳуқуқий-маъмурий тарқиб олиб борган ишлар қонун лойиҳаларида акс этиши шартлиги тўғрисидаги талаблар ижроси ўз ниҳоясига етган.

— Тасдиқланган қонунлар «шунчаки қонунлар» эмас, — уқтирган Президент, — қонунчиликнинг мазкур тартибини федерал хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг барча ходимлари ўта зийраклик билан ўрганишлари керак бўлади.

Коррупцияга қарши қонунлар пакетини ишлаб чиқиш Дмитрий Медведев томонидан 2008 йилнинг ўрталаридаёқ порахўрликка қарши кураш бошланган кезларда, таклиф этилганди. Бу қонунларга кўра, амалдорлар ўзларига пора бермоқчи бўлганлар ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларига хабар беришлари мажбурий қилиб қўйилди. Бундан ташқари, қонунда нафақат давлат хизматчиларининг ўзлари, ҳатто уларнинг туғишганлари ҳам ўз мол-мулклари тўғрисида декларация беришларига мажбур эканлиги белгиланган. Шунингдек, энди амалдорлар уч минг рубллдан қиммат бўлган совға-саломлар олишолмайди. Давлат хизматидан кетганларидан сўнг ҳам икки йилгача тижорат ва нотижорат ташкилотларда ишлашларига йўл қўйилмайди.

СОЧИДА ҲАВО МЕТРОСИ ҚУРИЛАДИ



Сочи транспорт ва алоқа бошқармаси маъмурияти бошлиғи Алексей Бердниковнинг маълумотига таянган «Интерфакс» агентлиги 2012 йилда Сочида ҳаво метроси қурилиши амалга оширилишини хабар қилади.

Агентлик мазкур иншоот лойиҳага кўра, 14 бекатдан иборат бўлиб, бекатлараро масофа 5 километрдан 12 километргача чўзилиши, поездлар ҳаракатининг ўртача тезлиги соатига 30-40 километрга етиши ва ҳар бир состав (таркиб) бир соат ичида 25 минг нафарга қадар йўловчи ташиши мумкинлигини таъкидлайди.

Қурилишнинг ҳар бир километр трассаси 50 миллион рубл миқдорида баҳоланмоқда. Лойиҳа сармоявий маблағлар ҳисобига молиялаштирилиши режалаштирилган. Эслатиб ўтамиз, 2014 йилда Сочида қишки Олимпия ўйинлари ўтказилади.

❐ Винсент Ван Гогнинг акварелда ишланган «Қиш» асари «Кристис» савдо уйида 151 миллион АҚШ долларига сотилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Маълумотларга кўра, рассом бу асарни 24 ёшида (1877 йил) яратган. Уни чизишда қалам ва жигарранг туштан ҳам фойдаланган.

БАЙКОНУР ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР УЧУН ЁПИҚ

Қозоғистон 2015 йилгача чет элликларни Байконур шаҳрига келишини таъқиқлайди, деб ҳабар беради «Газета. RU». Бу ҳақда мамлакат ҳукумати махсус қарор қабул қилган».

1994 йилда Қозоғистон ва Россия «Байконур» мажмуасини 20 йиллик муддатга, кейинчалик бу муҳлатни яна 10 йилга чўзиш эҳтимоли билан ижара шартномасини имзолаганди.

2005 йилда шартнома қайта кўриб чиқилиб, 2050 йилга қадар узайтирилди. Россия ҳукуматлараро шартномага мувофиқ, «Байконур» космодроми учун йилига 115 миллион доллар миқдорида ижара ҳақи тўлайди.

ЖАҲОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ ҲИСОБОТИ

Жаҳон метеорология ташкилоти 2008 йилнинг ёзини 1850 йилдан кейинги энг иссиқ мавсум, деб эълон қилди. Ташкилот вакилларининг сўзларига кўра, жорий йилда уммонлар ва қуруқликда ҳавонинг ўртача ҳарорати 14,3 даражани ташкил этган. Бу 1960-1990 йилларда қайд этилган кўрсаткичга нисбатан 0,3 даража юқоридир.

ЖМТ томонидан тақдим этилган маълумотлар сунъий йўлдошлар, ерусти метеорологик станциялари тизими, шунингдек, кемалар ва махсус сув қалқовичларидаги мосламалар ёрдамида тўпланган. Жорий йилнинг иқлимига оид якуний ҳисобот 2009 йил мартда эълон қилинади.

ЕР ОСТИДА ЖОЙЛАШГАН ТОПИЛМА

Мисрда тўрт минг йил муқаддам яшаб ўтган сарой аёнларининг қабрлари топилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ҳашаматли икки мақбара мамлакат жанубида, ер остида жойлашган. Кузатувчиларнинг айтишича, қабрлардан қимматбаҳо буюмлар ҳам чиққан. Уларнинг қиммати фиръавн Тутанхамон мақбарасидаги зеб-зийнатникидан кам эмас.

Мақбара деворларида сақланиб қолган турли сурат ва ёзувлар бу ерда дафн қилинганларнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Мулозимлардан бири эҳромлар қурилишига тош етказиб бериш учун масъул бўлган. Иккинчиси — аёл киши саройдаги созанда ва машшоқларга раҳбарлик қилган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

❐ Украинанинг Фавқулоддда вазиятлар вазири Владимир Шандр маълумотига кўра, 24 декабрь куни Евпаторияда беш қаватли уй-жой биносининг портлаши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 22 нафар кишига етган. Бинонинг икки йўлаги тўла

қулаб тушган.

Шу муносабат билан 26 декабрь мамлакатда мотам куни эълон қилинган. Ҳукумат ҳалок бўлганларнинг оилаларига 100 минг гривен миқдорида компенсация пули тўлашга ваъда берган. («Интерфакс»)

❐ Глобал иқтисодий инқироз кўплаб компанияларнинг молиявий аҳволини ёмонлаштирмоқда. Японияниг «Тойота» автомобилсозлик компанияси сўнгги етмиш бир йил давомида илк бор катта иқтисодий жарлик ёқасига келиб қолди. Компания матбуот хизматининг билдиришича, бундай нохуш ҳолат автомобилга талаб камайгани билан боғлиқдир.

Хабарларга қараганда, жорий йилда «Тойота» компанияси кўрган иқтисодий зарар 150 миллиард иенни (1,7 миллиард АҚШ долларини) ташкил этади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ – 2009 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

O'. K. U. F. F. T. U. U.

Ўз тасарруфидаги шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни таклиф этади.

Тошкент шаҳрида:

«ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Тошкент вилоятида:

«БОТАНИКА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Гинекологик, андрологик, асаб ва эндокрин касалликлар.

«ОҚТОШ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Бухоро шаҳрида:

«СИТОРАИ МОҲИ ХОССА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

Жиззах вилоятида:

«ЗОМИН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Қашқадарё вилоятида:

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«МИРОҚИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятида:

«ЧОРТОҚ» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«КОСОНСОЙ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

Самарқанд вилоятида:

«АБУ АЛИ ибн СИНО» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, каталар ва болалар асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Фарғона вилоятида:

«ЧИМЁН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Хоразм вилоятида:

«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ — 14 КУН.

Йўлланмаларимиз Марказий Осиёдаги энг арзон йўлланмалардир!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга, Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради.

Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.*

Мурожаат учун телефонлар: *256-85-68, 256-70-97.*

✓ Огоҳликка даъват

КЎРМАЙИН БОСМА ТИКАННИ...

ёки одам савдосининг оқибатлари ва унинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида

Одам савдоси инсон шаъни ва қадр-қиммати, унинг соғлиги ва осойишта турмуш тарзига таҳдид солаётган уюшган жиноятчилик турларидан бири. У жаҳон ҳамжамиятини бежиз ташвиш ва хавотирга солаётгани йўқ. У инсонга бир марта бериладиган ҳаётни паймол этади, турмушини бузиб ташлайди. Жиноятчилар учун эса у сердаромад манба ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, бундай жиноятчилик йилига 10-12 миллиард доллар даромад келтирар экан. БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 2,7 миллион инсон одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Афсуски, бундай ҳолатлар республикамизда ҳам йўқ эмас. Маълумотларга қараганда, сўнгги тўрт ярим йилда 3239 нафар шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноят туфайли жабрланган. «Бироқ бу рақам ҳақиқий аҳволни акс эттирмаслиги мумкин», — дейилди «Одам савдосига қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуига бағишлаб Фарғона вилоятида ўтказилган давра суҳбатида.

— Биз вилоятдаги барча маҳаллаларда мониторинг ўтказдик ва унинг якунига кўра, ҳозирги кунда 48925 фуқаро ишлаш учун мамлакатимиз пойтахти ёки чет элларга кетганини аниқлаб, уларнинг манзилли рўйхатини тўздик. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, сафарга чиқиб кетганларнинг 92,7 фоизи эркаклар, 7,3 фоизи аёллар экан, — дейди Фарғона вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Мирзоҳид Деҳқонов. — Фарғона вилоятида 2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига аҳоли сони 3 млн. 11 минг кишини ташкил қилиб, шундан 1 млн. 653 минги ёки 55.0 фоизи меҳнат ресурси ҳисобланади. Айни пайтда банд бўлган аҳоли сони 1 млн. 275 мингга етди. Агар 2007 йилнинг 9 ойи давомида Бандликка кўмаклашиш марказларига расман 51628 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, 2008 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 14,5 фоизга ошган. Хўш, нега бу каби таҳлилий рақамларни тилга оляпмиз? Чунки, одам савдосига қарши курашнинг самарали воситаларидан бири янги иш ўринларини янада кўпроқ яратишдир. Бошқармамиз бу борада турли йўналишларда фаолият олиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилнинг 9 ойида Бандликка кўмаклашиш марказига келиб учраганларнинг 52,2 минги ишга жойлаштирилди. Икки мингдан зиёд ишсиз касбга қайта ўқитилгач, мутахассис мақомига эришди. Аҳоли бандлигини ошириш, янги ва қўшимча иш ўринлари ташкил қилиш учун кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига шу йилнинг ўтган даврида 2 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Натижада 1274 та янги иш ўринлари яратилди.

Касаначиликни ташкил қилиш ҳисобидан яна 11 мингга яқин иш ўрни очилди. 32,5 минг бўш ишчи ўринлари учун ярмаркалар ўтказдик.

Шу йилдан фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Фарғона минтақавий бюроси давлат унитар корхонаси фаолият кўрсата бошлади. У Россия Федерациясидаги бир қанча саноат корхоналари билан меҳнат мигрантларини юбориш бўйича шартнома тузди. Аммо бу ишларимиздан асло қониқиш ҳосил қилаётганимиз йўқ. Ҳали орамизда одам савдоси қурбонлари бор экан, бундай қабиҳ жиноятнинг олдини олишда биз ҳам масъул эканимизни унутмаймиз.

Зоҳиджон Мамажонов, вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори:

— «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш ва жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Вилоятимизда 2005 йилдан шу йилнинг ноябригача одам савдоси билан боғлиқ 67 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, биргина ноябрь ойининг ўзида 10 та иш кўрилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Тиллаева бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, Қува тумани Деҳқонобод қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи А.Мирзаевни алдаб, ундан тумандаги 54 нафар шахснинг Тула шаҳрида ишлаши эвазига 5,4 миллион сўм олиб, уларни айланма йўллар орқали Қозоғистон ҳудудидаги номаълум шахсларга сотиб юборган. Фуқаро И.Мўминова эса бир қизни «Дубай шаҳрига, ресторанда официантликка олиб бораман», деб алдаб, уни сотганлиги бўйича жиноий жавобгарликка тортилди.

Чет мамлакатларда фоҳишалик ва қўшмачилиги учун депортация қилинганларни теританосил касалликлари диспансерида тиббий кўрикдан мажбурий ўтказиш Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма буйруғи билан белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, баъзан буйруқ ижроси таъминланмай қолмоқда. Бу эса яна бир вабо — ОИТС касаллиги тарқалиши эҳтимолига замин яратиши мумкин.

Жорий йилда вилоят прокуратураси томонидан ушбу қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, ҳудудий идоралараро комиссиялар раисларига 56 та тақдимнома киритилди, комиссия аъзоларидан 54 нафари расман огоҳлантирилди, қолгани интизомий жавобгарликка тортилди.

Шуҳрат Абдумажидов, вилоят «Саломатлик» маркази директори:

— Вилоятдаги барча даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-тарғибот бурчаклари ташкил қилинган. Аҳоли ўртасида одам савдоси оқибатида инсонлар саломатлигига таҳдид солувчи касалликларнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Шу йилнинг ноябрь ойида чет элдан қайтган ва тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган 42 нафар фуқарода асаб тизими астенизацияси, хафақонлик, камқонлик, кўкрак қафаси деформацияси, сил каби касалликлар аниқланди. Сил касаллигини юқтириб қайтган 64 бемор даволанаяпти...

Дамира Тўхтасинова, «Қалб нури» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази директори:

— Биз БМТнинг тараққиёт дастури доирасида «Меҳнат миграцияси жараёни иштирокчиси бўлган аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида одам савдоси қурбони бўлган оилалар билан ишламоқдамиз. Асосий мақсадимиз аёлларнинг қонуний ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоялашдир. Меҳнат миграцияси жараёнининг барча қатнашчилари учун ўқув тренинглар, семинар ва конференциялар ўтказаяпмиз.

Зиёдахон Абдуллаева, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Партиямиз фаоллари маҳаллаларда, корхона ва ўқув юртларида одам савдосини келтириб чиқараётган сабаб ва оқибатлар ҳақида учрашув-суҳбатлар ўтказаяпти. Аммо ҳали қилинадиган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Биринчидан, қишлоқларда янги иш ўринлари яратишга янаям кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Иккинчидан, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Фарғона минтақавий бюроси ишини янада жонлантириш керак. Шунингдек, газета ва журналларда, айниқса, телевидениеда одам савдоси билан боғлиқ жиноятга оид таҳлилий мақола, кўрсатув ва эшиттиришларни кўпайтириш лозим деб ўйлайман. Унда жиноятнинг илдизи очиб берилса, тарбиявий аҳамияти ошади.

Давра суҳбати иштирокчилари битта хулосага келдики, одам савдосига қарши кураш у ёки бу идоранинг иши эмас. Аввало эл-улус, маҳалла жамоатчилик назоратини кучайтирмоғи лозим. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоатчилик институтлари қўлни қўлга бериб, якдиллик билан курашган тақдирда, қутилган натижага эришиш мумкин.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁШЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикасида йигит-қизларни иш билан таъминлаш, улар учун иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Йил давомида ана шу мақсадда кўплаб меҳнат ярмаркалари ташкил этилди.

Янги йил арафасида Нукус шаҳар ҳокимлиги ҳамда Бандликка кўмаклашиш маркази ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркасида асосий эътибор касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга қаратилди. Унда шаҳардаги корхона ва ташкилотлар, микрофирма ва кичик корхоналар ўзларининг бўш иш ўринларини таклиф этди.

— Шу йил Нукус қурилиш касб-ҳунар коллежини тугатдим, — дейди Сабит Нурлепесов. — Кўнглимдагидек иш тополмай юргандим. Ушбу ярмаркада ўз йўналишим бўйича ишга жойлашиш имконига эга бўлдим.

Жорий йилда шаҳарда ўтказилган меҳнат ярмаркалари ёрдамида 625 нафар киши иш билан таъминланди. Улардан 257 нафарини хотин-қизлар, 112 нафарини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Янги йил арафасида...

Янги йил байрами арафасида Тошкент шаҳри, пойтахт вилоятининг шаҳар ва туманлари марказларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари бўлиб ўтмоқда. Уларда вилоят миришкорлари етиштирган ноз-неъматлар арзон нархларда сотилмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, айни пайтгача пойтахтимизнинг Бектемир, Юнусобод, Миробод, Чилонзор, Учтепа туманларидаги деҳқон бозорларига вилоятдан 1600 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари келтирилган.

Тошкент, Қибрай, Чиноз, Оққўрғон, Бекобод каби туманларда етиштирилган картошка, узум ва полиз маҳсулотлари, шунингдек, гўшт, асал ва консервалар харидорларга манзур бўлаётир.

— Янги йил байрами арафасида биз учун яратилган бу қулайликдан мамнунмиз, — дейди Миробод туманида истиқомат қилувчи М.Ҳотамова. — Маҳсулотларни тўғридан-тўғри деҳқонлардан харид қиляпмиз. Шунинг учун ҳам ярмарка маҳсулотлари сифатли, нархи эса анча арзон.

Ярмаркада ўз маҳсулотларини сотаётган деҳқонларга вилоят ҳокимлиги ва бозорлар маъмурияти томонидан барча шароитлар яратиб берилган.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

Ўтаётган йил ўйлари

УМР — БУ ВАҚТ!

Биз йўқотган сармоямизга койинамиз, пулимизга жонимиз ачийди, бойлигимиз қўлдан кетса, изтироб чекамиз. Аммо сездирмай, билдирмай сокин дарё каби текис оқиб ўтаётган умримизга лоқайдмиз, бепарвомиз. Гоҳо дарё бўйида ўтириб, соатлаб сувга термуламиз. Ва англаймизки, ўша жозибадор зарралар орасида сизу бизнинг вақтимиз, умримиз, сассизгина, беозоргина оқиб бормоқда.

Албатта, осмонда сон-саноқсиз порлаган юлдузларга қўлимиз етмаганидай, чархпалак мисоли айланаётган замон ғилдирагини тўхтата олмаймиз. Аслида, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Асосийси, бизга ато этилган умрга ҳиёнат қилмасликдир. Умр деб аталган ноёб неъматнинг қадрига етиб, гўзал ахлоқ ва хушхулқ, самарали меҳнат ва чиройли амаллар ила зийнатлашдир.

Одамлар бор, сонияни санаб, ўзидан боғу бўстон қолдиришга бел боғлайди.

Одамлар бор, вақтни қандай ўтказолмай жони ҳалак.

Одамлар бор, эл-улусга нафи тегмаган, ўзгалар корига ярамаган дамларини умри ҳисобига қўшишга уялади.

Одамлар бор, бировларнинг қадамини пойлайди...

«Вақтдан ҳаёт деган мато тўқилади», деган донишманд юз бора ҳақ. Чунки, инсон умри шундай ҳам жуда қисқа, биз уни фақат яхши ишларимиз билангина узайтира оламиз. Лекин, аксинча, қимматли дамларини беҳуда сарфлайдиганлар камми?

Америка халқининг севимли фарзанди Бенжамин Франклин «Модомики вақт қимматли мулк экан, уни талон-торож қилиш энг оғир гуноҳдир», деб бежиз айтмаган.

Халқимиз ноннинг уволидан қўрқади, пулни мақсадсиз сарфлашдан тийилади. Афсуски, орамизда вақтнинг, умрнинг уволини билмайдиганлар ҳам топилади. Наҳотки улар ғанимат дамлар ортга қайтмаслигини билишмайди. Ахир, сўнгги пушаймон — ўзингга душман, бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён кишиларнинг онги ва тафаккурида, шурурида кескин ўзгаришлар юз берди. Сармояни вақт, вақтни сармоя деб англаган тадбиркорлар ўзлари учун ҳам, Ватан учун ҳам, келажак учун ҳам катта ишларни рўёбга чиқармоқдалар.

Шунинг баробарида эртадан кечгача кўчадан ўтган-кетганни энсасини қотирадиганлар ҳам йўқ эмас. Дуч келган одамга ҳаётидан нолишдан чарчамайдиган, аммо жамият равнақи учун битта чўпни у ёқдан бу ёққа олишга бели оғрийдиганлар қайси маконда улғайишган экан? Бундай шахслар илгари ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам яшаган, шекилли, фаранг ёзувчиси Лабюйер XVII асрдаёқ «Ўз вақтидан оқилона фойдалана олмайдиган одам ҳаммадан бурун вақт етишмаслигидан нолийди: у кунларни кийинишга, овқатланишга, ухлашга, олди-қочди гапларга, нима қилиш керак, деган хаёлларга, умуман ҳеч нима қилмасликка сарфлайди», деб ёзган эди.

Эътибор берсангиз, ўзига тўқ, тўкин-сочин умргузаронлик қилаётган кишиларнинг аксарияти фаол ҳаракат билан машғул. Дангаса, сафсатабоз учун эса, осмондан сузиб ўтаётган булут сояси ҳам юк, гап деса қоп-қоп...

Тўғри, ҳар ким ўз феъл-атвори, уддабуронлиги, ҳаётга қизиқиши ҳамда қобилиятига яраша яшайди. Бироқ вақтни бой бериб, вақт зиқлигидан нолиш — эр кишига мутлақо ярашмайди. Шунчаки кун ўтказиш, бу ҳали яшаш дегани эмас. Умрни эзгу ниятлар, бунёдкорлик ишлари билан безамоқ керак.

Яхши яшаш учун эса, яхшигина ҳаракат лозим. Умрни ранг-баранг қилишнинг энг синалган ва савобли йўли, аввало, одамларга меҳр бера билишдир. Айниқса, қавм-қариндош, оға-ини, маҳалла-кўй, миллат, халқ, инсоният бахт-саодати учун қайғурмоқ умрнинг гултожи саналади.

Умр — бу вақт! Умр ҳам, ўтаётган вақтимиз ҳам ғанимат. Бизга берилган ғанимат умрни мазмунли яшаб, келгуси авлодларга яхши ном, ибратли ишлар қолдириш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН!..

— Бугунги кунда мамлакатимизда 28 та Меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатади. Уларда 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган 2686 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Ҳар бир Меҳрибонлик уйига ҳомийлар бириктирилган, узлуксиз равишда моддий, ижтимоий ва маънавий-маърифий кўмак кўрсатиб келинади.

Ёлғиз ва ота-она қаровисиз қолган болаларнинг жамиятга мослашувида ва интеграциясида Болаларни ижтимоий мослаштириш Республика маркази, «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилик жамғармаси ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Етим болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳақ-ҳуқуқи паймол қилинишига йўл қўймаслик, уларнинг катта ҳаётга мослашишида кўмак бериш бўйича ўзаро ҳамкорлик дастурлари ҳаётга татбиқ этилаяпти.

Анжуман қатнашчилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Савол: — Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ота-оналарига қайтариш масаласида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Жавоб: — Тарбияланувчиларнинг 40 фоизини отаси ёки онаси борлар ташкил қилади. Шу кунгача 1000 нафарга яқин болалар ўз ота-оналарига қайтарилди. 294 нафар етим боланинг яшаш шароити бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни ҳаётга тайёрлашнинг янги муқобил шакли — оилавий болалар уйлари жорий қилинмоқда. Оилавий кўринишдаги болалар уйи давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинади. Бундан ташқари, Андижон шаҳрида болалар оилавий шароитда тарбияланадиган Болалар шаҳарчаси қурилиб ишга туширилди. Бу муассасада болалар алоҳида оилаларда она-педагог томонидан тарбияланади. Ҳар бир оила учун алоҳида турар-жой мавжуд.

Савол: — Мактабга боролмайдиган ногирон болаларнинг таълим олиши қандай ҳал этилмоқда?

Жавоб: — Бугунги кунда 11000 нафардан ортиқ имконияти чекланган ва узоқ вақт даволанишга муҳтож ўғил-қиз уй шароитида таълим олади. Бу болаларнинг таълим олиши учун барча зарурий шароитлар яратилган. Уларнинг барчаси бепул ўқув дарсликлари ва қуроллари билан таъминланган. Буларга нафақат умумий ўрта таълим, балки ижтимоий ҳаётга мослашув учун қўшимча касбий таълим ҳам берилади.

Савол: — Ногирон болаларни касбга йўналтириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берсангиз?

Жавоб: — Республикамизда 89 та махсус мактаб ва мактаб-интернат мавжуд. Уларда имконияти чекланган 18460 нафар бола умумий ва махсус таълим олмоқда. Мазкур махсус мактаб тарбияланувчилари ҳар йили Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган 10 турдаги ўқув дастури асосида таълим олади. Республикамизда ногиронлар учун иккита ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи бўлиб, уларда ўсмирлар турли йўналишда касб-ҳунар сирларини эгаллашади.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ДЕҲҚОН БОЗОРИ ИШ БОШЛАДИ

Урганч шаҳридаги марказий деҳқон бозорида қисқа фурсатда 2,6 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Эндиликда савдо ўринлари сони 1265 тага етди. Ёпиқ павильонларнинг ҳар бирида 300 сотувчи харидорга хизмат кўрсатади. Янги бозорнинг нақадар кенг имкониятини биргина рақам кўрсатади — бу ерда гўшт дўконларининг сони 240 та. Бундан ташқари, омборлар, бошқа хизмат шохобчалари ҳам сотувчи ва харидорлар хизматида.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот ва масъулият

МОЛИЯВИЙ КЎМАК — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

буни очиқ акциядорлик тижорат «Турон» банк Сурхондарё вилоят филиалида олиб борилаётган хайрли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин

Айни кунларда мазкур банкнинг 1000 дан ортиқ мижози бор. Корхона, ташкилот, муассаса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг ўтган даврида «Турон» банк томонидан қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа тармоқлар учун қарийб уч миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилди. Шунинг қарийб бир миллиард сўмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

2008 йилнинг ўтган 11 ойи давомида «Турон» банк ўз маблағлари ҳисобидан 46 та кам таъминланган оилага 700 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратди. Бундан ташқари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ёрдами билан 20 та кам таъминланган оилага 330 миллион сўмдан зиёд кредит берди. Шунингдек, якунланаётган Ёшлар йилида ҳам талай ижобий ишлар амалга оширилди. Вилоятда 17 та ёш оилага қарийб 820 миллион сўм узоқ муддатли кредит ажратилгани бунинг исботидир.

— Ёшлар йилида орзуларимиз ушалди, — дейди Бойсун туманида истиқомат қилувчи Б.Қодиров. — «Турон» банкдан 38 миллион сўм кредит олдик. Бундан жуда хурсандман.

— Мазкур банкдан биз ҳам 40 миллион сўм узоқ муддатли кредит олдик, — деб суҳбатга қўшилади қизириқлик У.Эргашев.

Банк мижозларидан яна бири Жарқўрғон туманида фаолият кўрсатаётган «Туронинсувқурилиш» корхонасига 150 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, Термиздаги «Ҳаит Қурбон» фермер хўжалиги 30 миллион сўм кредит олди. Молиявий кўмак туфайли шаҳар марказида янги савдо маркази бунёд этилди. Бу эса кўплаб янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлди.

— Кўп йиллардан буён ушбу банкнинг мижозиман, — дейди термизлик Ҳабиба Расулова. — Тадбиркорлик билан шуғулланаман. Шу йил маблағдан бироз қийналиб қолдик. Банкнинг кўмаги билан ўн миллион сўм кредит олдим. Озиқ-овқат маҳсулотлари сотишни ривожлантирдик. Бунинг натижасида ўнга яқин иш ўринларини яратдик.

Бир сўз билан айтганда, жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш мақсадида 134 миллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

— Молиявий кўмак барқарор ривожланиш гаровидир, — дейди очиқ акциядорлик тижорат «Турон» банк Сурхондарё вилоят филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Ўктам Худойқулов. — Бунинг учун мижозларга қулай шароитлар яратаяпмиз. Банк ва мижоз ўртасидаги алоқа мустаҳкамланган. Шундан бўлса керак, банкимиз мижозлари сони йил сайин кўпаймоқда.

Дарҳақиқат, ОАТ «Турон» банк вилоятдаги намунали молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш мақсадида «Сармоя плюс», «Имконият», «Кафолат», «Нуроний» ва бошқа омонат турлари жорий этилганки, бу ҳам халқимизга банк томонидан яратилган қулайликлардир.

Булардан ташқари, аҳолига сўм пластик карточкалар тизимини яхшилаш борасида ҳам мақтовга арзигулик ишлар амалга оширилаётир. Жорий йилда беш минг нафардан ортиқ кишига карточкалар тарқатилган бўлса, мазкур банкнинг 28 та терминали мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, филиал ва унинг Денов, Сариосиё, Олтинсой, Қўшчинор, Жайхун минибанкларида иккита, чакана хизмат кўрсатиш ва тўртта «Халқаро пул ўтказмалари» шохобчаси ҳам ишлаб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, жамоа мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун шиори остида халқимизга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари. t

Тадбир

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда Ёшлар йилига бағишлаб «Иқлим ўзгариши шароитида ахборот технологияларининг тутган ўрни» мавзуида учрашув ўтказди.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тадбирда университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, академик лицей ўқувчилари иштирок этди.

— Иқлим ўзгариши ва аҳоли саломатлигини муҳофазалашда ахборот технологияларининг аҳамияти беқиёс, — дейди университетнинг биринчи проректори, техника фанлари доктори Неъматилла Мўминов. — Халқнинг тиббий савиясини ошириш учун аввало, аҳоли, айниқса, талаба-ёшлар, лицей ўқувчилари иқлим ўзгаришининг экологияга, атроф-муҳит, инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши муҳим. Зеро, биз ахборот технологиялари асрида яшаяпмиз. Демак, ёшларимиз бу соҳани мукаммал эгаллаши — эртамизнинг кафолати ҳисобланади.

Учрашув сўнгида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидан келиб, Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олаётган 135 нафар талабага Янги йил совғалари топширилди.

Сардор ЙЎЛДОШЕВ,
ТАТУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси, «Экосан» ёшлар клуби аъзоси.

«ТРАСТБАНК» TRAST BANK
жамоаси

Барча ватандошларимизни кириб келаётган
Янги – 2009 йил билан
самимий муборакбод этади!

Янги йил ҳар бир оилага бахт ва қувонч,
муваффақият ва омад келтирсин.
Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги
йили барчамизга қутлуғ бўлсин!

«Трастбанк»
ҳамиша сизнинг
хизматингизда.

❖ Иқтисодиёт ва ислоҳот

КИЧИК САРМОЯЛАР ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк»нинг Қашқадарё вилоят бошқармаси фаолияти ҳақида

MIKROKREDITBANK

2006 йилда ташкил этилиб, бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида 78 та филиал ва 270 дан зиёд минибанки фаолият кўрсатаётган мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Яқинда мамлакатимиз раҳбари Фармони билан «Микрокредитбанк» устав жамғармасини 72 миллиард сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ушбу нуфузли банкнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси ходимлари ҳам ўз ишларига юқоридаги мезонлар асосида ёндашмоқдалар. Ҳозирги пайтда тасарруфида тўққизта филиал ва 37 та минибанк мавжуд бўлган мазкур банк мижозлари сони ҳам кўпайиб бормоқда. Айни пайтда 14290 та барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар банк хизматидан фойдаланмоқда.

Шу йилнинг ўн ойи давомида бошқарманинг туман филиаллари томонидан жами 9 млрд. 700 млн. сўм кредит ажратилган бўлиб, шундан 6 млрд. 425 млн. сўми хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида берилди. Бошланғич сармояни шакллантиришга 459,8 млн. сўм, айланма маблағларни тўлдиришга 4 млрд. 680,1 млн. сўм, микролизинг хизматларига 1 млрд. 285 млн. сўм маблағ ажратилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 7461 та янги ишчи ўрни яратилди.

Шу билан бирга, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки туман филиаллари томонидан Президентимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қарорига асосан 410 та кам таъминланган оилага чорва моллари сотиб олиш учун 448,6 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Уй бекалари бўлмиш хотин-қизлар бошқарманинг асосий мижозлари сирасига киради. Банк томонидан уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008 йил давомида 624 нафар аёлга 1 млрд. 214 млн сўм кредит ажратилиб, шундан 191,5 млн. сўми кам таъминланган оилаларга чорвачиликни ривожлантириш учун берилди.

Бундан ташқари, бошқарма филиаллари томонидан мижозларга истеъмол кредитлари бериш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, 2008 йилнинг 10 ойи давомида жами 409 нафар фуқарога 622 млн. сўм истеъмол кредитлари ажратилди. Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармонига асосан банк бўлимлари томонидан ҳозирги кунгача 510 та ёш оилага тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун ва ўз истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида 1 млрд. 078 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

— Мен «Микрокредитбанк» АТБ Қашқадарё вилоят бошқармасининг амалиёт бўлими мижозиман, — дейди «Ясен Сервис» МЧЖ раиси Ҳасан Муродов. — Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни ният қилгандим. Шу боис банкка мурожаат қилдим. Март ойи бошларида кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш ускуна ва линиясини сотиб олиш юзасидан хитойлик ҳамкорлар билан шартнома имзоладик. Бошқарма эса уч йиллик муддатга йиллик 7 фоиз устама тўлаш шарти билан 20 млн. сўм миқдорида микролизинг хизмати кўрсатди. Биз қисқа муддатда барча ускуналарни олиб келиб ўрнатиб, фаолиятимизни бошлаб юбордик. Эндиликда Қашқадарёда ягона ҳисобланган цехимизда аҳолига сифатли хизмат кўрсатилаяпти. Олинган микролизингдан фойдаланиб, янги иш ўринлари яратдик. Микролизинг ва унга ҳисобланган фоиз устамаларини ўз вақтида қайтардик.

Китоб филиали мижози — «Фарруҳ Файз Дил» хусусий фирмаси раҳбари Файзулло Бобомуродов эса 2007 йил 8 январда 24 ой муддатга 14 фоиз устама тўлаш шарти билан пластик ром-эшиклар ишлаб чиқариш учун 6,2 млн. сўм миқдорида микрокредит олганди. Ушбу фирма қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, туман аҳолисини бу борадаги эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Қамаши филиали мижози — «Дилаферуз» хусусий савдо дўкони раҳбари Азамат Усмоновга савдо фаолиятини ривожлантириш мақсадида 6 млн. сўм микрокредит ажратилди. Аслида ушбу фирма банкнинг ишончли мижозларидан бири бўлиб, мунтазам пул тушумига эга. Бизнес режа кўрсаткичларига кўра фирма ўз олдига бир йилда 10-15 миллион сўм соф фойда олишни мақсад қилиб қўйган.

Ҳозирги кунда ҳаётимизни техника ва технологияларсиз тасаввур қилиш қийин, ҳукуматимиз томонидан бу йўналишни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Кўпгина чет эл компаниялари билан машинасозлик соҳасини ривожлантиришга асосланган қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Мавжуд бўлмаган техника ва минитехнологиялар чет элдан шартнома асосида келтирилмоқда. Бунда «Микрокредитбанк» АТБ Қашқадарё вилоят бошқармасининг ҳам ўз ҳиссаси бор.

2008 йилнинг 10 ойи давомида кредитга 27 та фермерга 225 млн. сўмлик, лизинг ҳисобига 56 та фермерга 2 млрд. 347 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилди. 8 та фермерга 1 млрд. 168 млн. сўмлик «CLAAS Dominator» комбайнлари олиб берилди.

Айни кунларда бошқарма ходимлари 2008 йилни муваффақиятли якунлаш ниятида меҳнат қилишмоқда. Улар янги — 2009 йилда ҳам эзгу ишларни давом эттиришмоқчи.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.



«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Халқимизни яқинлашиб келаётган Янги — 2009 йил
билан муборакбод этади.



Аҳоли узоғини яқин қилиш, кўплаб халқ хўжалиги юкларини ўз манзилига етказиб бериш мақсадида фаолият кўрсатаётган, республикамиз иқтисодиёти янада юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган меҳнат жамоамиз янги йилда ҳам ўз анъаналарига содиқ қолиб, халқимизга намунали хизмат кўрсатади.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Спорт

Абдулла ТАНГРИЕВ —

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИСИ

Барча соҳаларда бўлганидек, спорт бўйича ҳам йил натижалари сарҳисоб қилинмоқда. Жумладан, «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририяти томонидан ўтказилган анъанавий сўров ниҳоясига етди. Унда республикамиз марказий нашрлари, телевидение ва радиоканалларида фаолият кўрсатаётган саксон бир нафар журналист иштирок этди.

2008 йилнинг **«Энг яхши спортчиси»** номинацияси бўйича таниқли дзюдочи, Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори, «Ўзбекистон ифтихори» нишондори Абдулла Тангриев энг кўп очко жамғарди. Эркин курашчимиз бир неча карра жаҳон чемпиони, Афина ва Пекин олимпиадаси ғолиби Артур Таймазов, «Бунёдкор» (Тошкент) ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров, трамполинчи, халқаро тоифадаги спорт устаси, XXIX ёзги Олимпия ўйинлари совриндори Екатерина Хилько эса кейинги ўринларни эгаллашди.

Шу йилнинг ноябрь ойида Саудия Арабистонида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати финалчиси бўлиш билан бирга, келаси йили Мисрда ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2008 йилнинг **«Энг яхши жамоаси»** деб эътироф этилди. Ёш футболчиларимиз устози Аҳмаджон Убайдуллаев **«Энг яхши мураббий»** номинацияси ғолиби бўлди.

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича мамлакат чемпионатлари, Ўзбекистон кубоги ҳамда халқаро турнирларни ташкил этишга муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси президенти Салим Абдувалиев йилнинг **«Энг яхши спорт ҳомийси»** деб топилди.

Охирги йилларда мамлакатимизда футбол, волейбол, бокс, ногиронлар футболи, шотокан-каратэ сингари спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келаётган Олимжон Акбаров спорт клуби вакили Мирмуҳсин Акбаров **«Энг яхши спорт фидойиси»** номинациясида биринчи ўринни эгаллади. Эслатиб ўтамиз, футбол бўйича «Олимжон Акбаров» жамоаси бу йил биринчи лига жамоалари ўртасида бешинчи ўринни эгаллади. Шу ном остида Ўзбекистон XVI чемпионатида иштирок этган яйпанлик волейболчилар эса мамлакат чемпионати бронза медаллари билан тақдирландилар.

Эркин ХОЛБОБО

БИТТА ОЛТИН, ИККИТА КУМУШ ВА САККИЗТА БРОНЗА

Поёнига етаётган йилнинг сўнгги кунлари мамлакатимиз каратэчилари учун омадли келди. Куни кеча Куала-Лумпур (Малайзия)да болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича ўтказилган Осиё очиқ биринчилигида юртимиз ёш спортчилари муносиб иштирок этиб қайтишди. Дунёнинг ўттизга яқин давлатлари вакиллари қатнашган ушбу нуфузли мусобақанинг ката ва куметэ баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида битта олтин, иккита кумуш ва саккизта бронза медалларига сазовор бўлди.

— Шу йилнинг октябрида Милан (Италия)да ўтказилган жаҳон биринчилигида кумуш медални қўлга киритгандим, — дейди олтин медаль совриндори Ҳумоюн Шукуров. — Бу галги мусобақалар олдидан мураббийларим Илҳом Шойназаров, Адҳам Юнусовларнинг кўрсатмаларига қулоқ тутиб, ўз устимда кўпроқ ишлашга ҳаракат қилдим. Кўриб турганингиздек, Малайзияда мураббийларим ишончини оқлашга ҳаракат қилдим. Кумитэ бўйича 42 кг. вазн тоифасида майдонга чиқиб, Малайзия, Қозоғистон, Хитой-Тайпейи, Ҳиндистон ҳамда Эрондан келган тенгдошларимга қарши кураш олиб бордим. Барча рақибларимни енгиб, терма жамоамизга ягона олтин медални туҳфа қилганимдан беҳад мамнунман.

Ҳумоюн айни пайтда Узун туманидаги 4-мактабнинг саккизинчи синфида ўқиш билан биргаликда, уч йилдан бери «Чемпион» каратэ спорт клуби машғулотларида мунтазам қатнашиб келмоқда. У бунгача бир неча марта мамлакат биринчилиги, Ўзбекистон кубоги ва қатор халқаро турнирларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олган.

Суратда: *умидли каратэчи Ҳумоюн Шукуров.*

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

ҚАРШИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Баркамол авлод орзуси

Маълумки, бугун ахборот технологиялари жаҳонда шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ўз-ўзидан худди шу соҳани мукаммал биладиган кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортмоқда. Бу соҳада фаолият кўрсатадиган кадрлар информатика фанини, компьютерда дастурлашни яхши билишлари зарур. Қарши компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи 2001 йилда ташкил этилган бўлиб, ёшларга бу соҳани чуқур ўргатадиган илм масканларидан бири ҳисобланади. Коллеж 600 ўринга мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларга 64 нафар малакали ўқитувчи-мураббий таълим бермоқда. Энг муҳими, коллеждаги ўқув тизими жаҳон андозаларига мос ва у малакали мутахассислар етиштириб бермоқда.

Абдурасул ПАРДА олган суратлар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси «Саодат» журнали ва «Гулчеҳралар» газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиевага опаси **Шарифа ҲОЖИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Сиз азизларни яқинлашиб келаётган Янги — 2009 йил билан муборакбод этади!

Барчангизга соғлик ва осойишталик тилайди. Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғулари тарк этмасин.

Янги йил ҳаммамизга омад олиб келсин!

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

SAVDOGARBANK

Ўзбекистон — Германия

«САВДОГАР»

банки жамоаси

жонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини кириб келаётган Янги йил айёми билан самимий қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилайди!

Банк ушбу байрам арафасида Сизларга ўзининг янги жозибали омонатларини таклиф этади:

- «ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ» муддатли омонати йиллик 26%, 1 ой муддатга, минимал миқдор — чегараланмаган
- «БАРАКА» муддатли омонати йиллик 24%, 3 ой муддатга, минимал миқдор — чегараланмаган

Мамлакатимиз осмони мусаффолиги, эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин!

Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 281-30-29, 254-18-65
www.savdogarbank.uz

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.55
Topshirilgan vaqti — 23.25
7
Sotuvda erkin narxda